

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИҚДА КУРАШАМИЗ!

Жамиятда шундай иллатлар борки, у маълум бир соҳага эмас, балки бутун жамият тараққиётига тўғоноқ бўлади. Давлатни ич-ичидан емирадиган ана шундай иллат – коррупция ва порахўрликдир.

Коррупция шунчаки жиноят ёки ҳуқуқбузарлик эмас, балки маънавий бузилиш ҳолати ҳамдир. Ушбу иллат фуқаронинг давлат вакили билан маъмурий муносабатлари маъно-моҳиятини ўзгартириб, жамият учун ҳам, давлат учун ҳам салбий оқибатларга сабаб бўлади. Айнан шундай оқибатлар сабабли кўплаб давлатларнинг инқирозга юз тутгани ҳам тарихдан маълум.

Президентимиз Ш.Мирзиёев давлат бошқарувида келгач 2017-йилда қабул қилинган илк норматив ҳужжатлардан бири “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун бўлди. Шундан бошлаб мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Кейинги даврда коррупцияга қарши курашиш соҳасида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида бир қатор зарур чоралар кўрилди. Бу ҳақда тўхталаётганимизнинг сабаби шуки, жамиятнинг ҳар бир аъзоси қонунларни, хусусан, коррупция билан боғлиқ қилмишнинг ҳуқуқий оқибатларини яхши билиши керак. Қонунни билмаслик, унинг мазмун-моҳиятидан беҳабарлик, табиийки, коррупция жиноятини содир этган шахснинг жазодан қутулиб қолишига имкон бермайди. Чунки пора олган ҳам, берган ҳам, пора олиш-беришда воситачилик қилган ҳам муқаррар жиноий жавобгарликка тортилади. Қонун талаби шундай.

Коррупцияга барҳам беришга фақат давлат ва ҳукуматнинг кучи билангина эришиб бўлмайди. Шунинг учун мазкур ижтимоий иллатга қарши бутун жамият, барча фуқаролар оёққа турмоғи, курашмоғи зарур.

Президентимиз таъкидлаганидек, “Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.”

Бу жараёнда “Ўзметкомбинат” АЖ маълум ишларни амалга оширмоқда. Комбинатимизда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтириш учун тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Комбинат фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш ва масъулиятини ошириш, бюрократияни камайитириш ва давлат хизматларини соддалаштириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган механизмларни амалиётга кенг жорий этаяпмиз. Хусусан комплаенс ва самарадорликни баҳолаш рейтинг тизимлари йўлга қўйилди. Давлат харидлари тўлиқ рақамлаштирилди.

Азиз металлурглар!

Коррупция ва порахўрликка қарши курашда ҳар биримиз фаол иштирок этишимиз шарт. Ҳар биримиз қаерда, қандай муаммога дуч келсак, унинг ҳал этилишида масъул шахсларнинг масъулиятсизлиги ёки таъмагирлигига гувоҳ бўлганда шароитга бўйсуниб, индамай кетавериш ёхуд чидаш ўрнига бонг уришимиз керак.

Зеро, коррупцияга қарши курашиш ҳар бир соф виждонли инсоннинг, демократик жамият ва давлатнинг муқаддас бурчидир.

Акмал ШАРИПОВ, “Ўзметкомбинат” АЖ Бошқарув раисининг ўринбосари – Умумий масалалар бўйича директор